



Макроиктисодий барқарорликни янада мастаҳкалаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишда суғурта соҳасини ривожлантириш.

Хасанов Хайрулло Насруллаевич
Молия ва бухгалтерия ҳисоби кафедраси доценти
hayrullo.khasanov@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада суғурта бозорининг суғурта бозорида фаолият юритаётган компанияларини асосий фаолияти, инвестицион фаолияти, устав капиталлари, суғурта қопламалари бўйича таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Суғурта бозори, суғурта мукофотлари, суғурта қопламаси, устав капитал, шахсий суғурта, ихтиёрий ва мажбурий суғурта.

Ўзбекистоннинг келажакдаги ривожланиш истиқболларини белгилаш ва халқимизга фаровон турмуш тарзини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 17 февралдаги фармони билан “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тасдиқланди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, жаҳон бозори конъюктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлоқо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Шуларни эътиборга олган ҳолда, Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишда бир неча вазифалар белгиланиб олинди. Шулардан бири суғурта ва лизинг ҳамда бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобидан кенгайтириш, шунингдек, капитални жалб қилиш ҳамда молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантиришдир.


Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон суғурта бозорида жами 40 та суғурта ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 32 таси умумий суғурта соҳасида, қолган 8 таси эса ҳаёт суғуртаси соҳасида ўз хизматларини кўрсатиб келмоқда.

2019 йил натижаларига эътибор қаратсак, суғурта ташкилотлари томонидан жами 2 318,9 млрд.сўм суғурта мукофотлари йиғилганлигини кўришимиз мумкин. Шундан, умумий суғурта соҳасида 1 727,6 млрд.сўм суғурта мукофоти йиғилган бўлса, ҳаёт суғуртаси соҳасида 586,4 млрд.сўм суғурта мукофотлари йиғилган.

Ўз навбатида, жами 813,5 млрд.сўм миқдорида суғурта товонлари тўланган бўлса, шундан 284,1 млрд.сўм қисми умумий суғурта соҳасида юз берган ҳодисалар туфайли тўланган бўлса, 529,4 млрд.сўм қисми эса ҳаёт суғуртаси соҳаси бўйича амалга оширилган.




Суғурта мукофотлари ва қопламалари, 2019й. (млрд.сўм) ¹¹



Йиғилган суғурта мукофотлари ҳамда суғурта ҳодисалари бўйича тўланган суғурта товонлари миқдорини аввалги йиллар билан таққослайдиган бўлсак, ижобий ўзгаришларни кузатишимиз мумкин.

кўришимиз мумкин.

Суғурта компанияларининг активлари ¹²




¹¹ Д.А.Баратова –“Жамғриб бориладиган ҳаёт суғуртасининг ривожлантириш йўллари”Монография

¹² D.A.Baratova-O'zbekistonda tibbiy sug'urtalash tizimini takomillashtirish Xorazm ma'mun akademiyasi axborotnomasi: ilmiy jurnal.-№3/2 (99)



Суғурта ташкилотлари инвестициясининг структураси (2019й.)¹³



Суғурта ташкилотлари инвестицияларининг ўсиш динамикаси (млрд.сўм)¹⁴

Суғурта даъволарини сифатли кўриб чиқилиши ва қопламаларни тўлаб берилиши мижозларнинг суғурта ташкилотларига бўлган ишончини оширишининг энг асосий омиллари бўлиб хизмат қилади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, суғурта мукофотларининг охириги 4 йил давомида 3,3 маротабага ошганлигининг ҳам асосий омили суғурта қопламаларининг 6 маротаба ошганлигида деб ҳисоблаш мумкин. Ихтиёрий суғурта турлари бўйича суғурта қопламаларининг тўлаб берилиши эса 7,5 маротабага ошган.

Суғурта бозорида йилдан-йилга давлат улуши иштирокидаги суғурта ташкилотларининг сони ва улуши камайиб бораётган бўлса, хусусий капитал эвазига ташкил этилаётган суғурта ташкилотларининг сони ва улуши эса ўсиб бормоқда.

2019 йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси суғурта бозоридаги зарарлилик даражаси умумий ҳисобда 15,6 фоизни ташкил этган. Мажбурий суғурта турлари бўйича зарарлилик даражаси 30,1 фоиз ва ихтиёрий суғурта турлари бўйича эса 12,6 фоизни ташкил этиши республика суғурта бозорида ривожланиш истиқболлари катта эканлигини кўрсатади.

Суғурта бозори бўйича зарарлилик даражаси, 2019й. (%)

¹³ .Хасанов.Х.Н IMPROVING THE MECHANISMS OF INVESTIGATION OFFINANCIAL RESOURCESFROM THE CAPITAL MARKET TO THE CORPORATE SECTOR “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali 1/2023, yanvarfevral (№ 00063)

¹⁴ www.mf.uz. Moliya Vazirligining rasmiy sayti



(суғурта қопламаларининг суғурта мукофотларига нисбати)¹⁵

Ихтиёрий турлар бўйича			Мажбурий турлар бўйича			Умумий зарарлилик
Юридик шахслар	Жисмоний шахслар	Жами	Юридик шахслар	Жисмоний шахслар	Жами	
13,7	7,7	12,6	27,6	33,7	30,1	15,6

Суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича уларнинг устав фондларига минимал талаблар қўйилган бўлиб, бу талаблар 2020-2022 йиллар давомида 2 мартагача оширилиши белгиланган. Қуйидаги жадвалда устав фондларига қўйилган талаблар кўрсатилган:

Суғурта компанияларини устав капиталининг қиймати¹⁶

№	Суғурта фаолияти турлари	Ҳозирги кунда	2020 йил 1 июлдан	2022 йил 1 июлдан
1	Умумий суғурта соҳасида	7,5	15,0	20,0
2	Ҳаёт суғуртаси соҳасида	10,0		
3	Мажбурий суғурта бўйича	15,0	25,0	35,0
4	Фақат қайта суғурта учун	30,0	35,0	45,0

Суғурта йиғимларининг йилдан-йилга ўсиб боришига қарамай, ҳозирги кунда суғурта йиғимларининг ҳажми республика ялпи ички маҳсулотига нисбатан 0,4 фоизни, яъни 5 еврини ташкил этади. Дунё бўйича ушбу кўрсаткич ўртача 6,1 фоизни, яъни 847 еврини ташкил этади.

Миллий суғурта бозорини янада ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш, суғурта хизматларининг талаб юқори бўлган янги турларини жорий этиш, истеъмолчиларнинг суғурта бозорига бўлган ишончини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сонли Қарори қабул қилинган.

¹⁵Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

¹⁶ Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган



Мазкур қарор билан тасдиқланган “2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини жадал ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси»га асосан 8 та муҳим йўналишлар бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Суғурта фаолиятини тартибга солиш тизимини институционал ривожлантириш йўналиши бўйича суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар)нинг тўлов қобилияти нормативлари ҳамда суғурталовчилар томонидан суғурта захираларини ҳисоблаш методикаси, уларни шакллантириш ва жойлаштириш тартиблари қайта кўриб чиқилиб, Суғурта назорати халқаро ассоциациясининг асосий суғурта тамойиллари ва стандартларини инобатга олган ҳолда янги таҳрирда қабул қилиш кўзда тутилган.

Шунингдек, суғурта бозори учун янгилик сифатида суғурталовчиларнинг юқори турувчи бошқарув органларига тўғридан- тўғри бўйсунадиган, шунингдек, суғурталовчи тўлов қобилиятининг йўқлиги аломатлари ва нормативларнинг бузилганлиги аниқланган тақдирда ваколатли давлат органига бевосита мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган, суғурта ташкилотларида алоҳида актуарий штатини ташкил қилишни назарда тутувчи “тайинланган актуарий” институтини жорий этиш белгиланган.

Суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантириш ва кенгайтириш йўналиши бўйича эса, “Суғурта агентлари тўғрисида”ги низомнинг янги таҳририни ҳамда “Аджестер, сюрвейер ва ассистанс хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисида”ги низомларни ишлаб чиқиш мақсад қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмасининг фаолиятини самарадорлигини ошириш ва фаоллаштириш бўйича зарур чоралар кўриш орқали унинг суғурта фаолиятини ривожлантиришдаги ролини кучайтириш белгиланган.

Суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг капиталлашув даражасини, тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини ошириш йўналиши бўйича суғурта ташкилотлари 2020 йилнинг охирига қадар халқаро рейтингларни олиши белгилаб қўйилган ҳамда уларнинг устав капиталларини ошириш бўйича ҳам амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Адабиётлар

1. Қўлдошев Қ.М. Ўзбекистонда ўзаро суғурталашнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Монография.-Тошкент, Иқтисодиёт, 2021.
2. Қўлдошев Қ.М. Суғурта технологиялари. Дарслик. -Тошкент, Иқтисодиёт, 2021.
3. Д.А. Баратова-Ўзбекистонда тиббий суғурталаш тизимини такомиллаштириш Хоразм маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№3/2 (99)4. Khayrullo Nasrullayevich Khasanov, Dinora Alisherovna Baratova, Khusniddin Fakhriddinovich



Uktamov, Dildora Bokhodirovna Abdusattarova [Improving the Practice of Attracting Financial Resources from the International Capital Market to the Corporate Sector of the Economy](#). The 5th International Conference on Future Networks & Distributed

5. Д.А.Баратова- О принципах формирования резервов в страховании жизни. Научно-технический журнал Евроазиский союз учёных. – Москва: 2019/ №11 (68) ISSN 2411 6467-С.11-16
6. Д.А.Баратова- Суғуртанинг иқтисодиётда тутган ўрни ва унинг ривожланишига таъсир этувчи салбий омиллар- Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. №3 май-июнь, 2020
7. Хасанов.Х.Н *IMPROVING THE MECHANISMS OF INVESTIGATION OFFINANCIAL RESOURCESFROM THE CAPITAL MARKET TO THE CORPORATE SECTOR* “*Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar*” *ilmiy elektron jurnali 1/2023, yanvarfevral (№ 00063)*
8. *Dinora Baratova, Khayrullo Khasanov, Ikromjon Musakhonzoda, Shokhruh Abdumuratov and Khusniddin Uktamov. The impact of the coronavirus pandemic on the insurance market of Uzbekistan and ways to develop funded life insurance. E3S Web of Conferences* 296, 06028 (2021). https://www.e3sconferences.org/articles/e3sconf/abs/2021/72/e3sconf_esmgt2021_06028/e
9. www.mf.uz.
10. www.stat.uz